

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАХМАНОВА АЗИЗА МАХМАРАЖАБОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ В ВА D ДА НВУ МАРКЕРЛАРИНИНГ
КЛИНИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар
03.00.04 - Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рахманова Азиза Махмаражабовна

Сурункали гепатит В ва D да HBV

маркерларининг клиник ва прогностик аҳамияти 3

Рахманова Азиза Махмаражабовна

Клиническое и прогностическое значение маркеров

HBV при хроническом гепатите В и D..... 23

Rahmanova Aziza Maxmarajabovna

Clinical and prognostic significance of HBV markers

in chronic hepatitis B and D..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

РАХМАНОВА АЗИЗА МАХМАРАЖАБОВНА

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ В ВА D ДА HBV МАРКЕРЛАРИНИНГ
КЛИНИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар
03.00.04 - Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib3548 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мусабаев Эркин Исакович

тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Касимова Раъно Ибрагимовна

тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Долимов Тохир Кенжабекович

тиббиёт фанлари доктори

Михайлов Михаил Иванович

(Россия Федерацияси)

тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Етақчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.01.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш. Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2 А-уй. Тел: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда HBV инфекциясининг кенг тарқалганлиги уни эрта аниқлаш, репликация фаоллигини баҳолаш ва иммун жавоб кўрсаткичларини чуқур ўрганиш заруратини белгилаб беради. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «... 292 миллион одамларга сурункали В вирусли гепатит (HBV) инфекциясини юқтирган ва уларнинг 15% - 40% да касаллик ривожланиши ва жараён ўлим билан тугаши мумкин»¹ эканлиги таъкидланган. HBV нинг ҳаёт циклини тушунишдаги бир қанча ютуқлар одам организмидаги HBV ҳолатини ақс эттирувчи қон зардобдаги HBV биомаркерларини аниқлашга олиб келди. Шунингдек, учта потенциал биринчи қатор нуклеотид аналоглари мавжудлиги билан зардобдаги HBV ДНК миқдори терапияни бошлашдан сўнг тезда сезилмас бўлиб қолади ва кўп ҳолларда уни касалликнинг кейинги кечишини башорат қилиш воситаси сифатида қўллаб бўлмай қолади. Бундан ташқари, НА вирус ҳаёт циклининг фақат бир босқичига таъсир қилади, транскрипция ва бошқа жараёнлар эса давом этиши мумкин. Шу боис, айниқса HBV ДНК сезилмайдиган ҳолатларда, вирус фаоллигини баҳолаш учун муқобил биомаркерлар зарур.

Жаҳонда қатор илмий марказларда HBV инфекциясида жигар тўқимасининг яллиғланиши ва зарарланишини ташхислаш ҳамда даволашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, В вирусли гепатитнинг эпидемиологик хусусиятлари ва клиник кўринишларини аниқлаш, инфекциянинг асосий этиологик омил бўлган HBV вируси, шунингдек, дельта вируси каби ҳамроҳ инфекцияларни аниқлаш ва уларнинг клиник ҳамда лаборатор хусусиятларини белгилаш, HBVнинг патогенетик жиҳатларини аниқлаш, касалликнинг асосий клиник белгиларнинг этиологик омиллар билан боғлиқлигини асослаш, гепатит В вирусининг молекуляр генетик хусусиятларини аниқлаш, касалликни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу устувор вазифалар сурункали гепатит В ва D да HBV маркерларининг клиник

¹ Hsu YC, Huang DQ, Nguyen MH. Global burden of hepatitis B virus: current status, missed opportunities and a call for action. *Nat Rev Gastroenterol Hepatol.* 2023 Aug;20(8):524-37.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ва прогностик аҳамиятини аниқлашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқлигини назарда тутди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, 2021 йил 27 сентябрдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 16 майдаги ПҚ-243-сон «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида келтирилган вазифаларнинг ижросига маълум даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши Республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда сурункали В вирусли гепатитда HBV RNA бўйича ўтказилган кенг қамровли тадқиқотлар етарли эмас. Биз нуклеоз(т)ид аналоглари билан даволанаётган ва вирусга қарши даво ўтказилмаган сурункали В вирусли гепатит ташхисли беморларда HBV РНКсининг бошқа маркерлар билан боғлиқлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги даволаш усуллари гепатит В вирусининг репликаци вирусга қарши даво (ВҚД)ни HBV RNA манфий бўлгунча узоқроқ давом эттириш керак, бу вирус қайта фаоллашиш хавфини анча камайтиради. Вирус РНКси манфий бўлмасдан туриб давони тўхтатиш - қайта вирус фаоллашишига олиб келади. Шунинг учун РНК манфий бўлганидан кейин ҳам маълум вақт давом эттириш тавсия этилади (Shi L., Bin Z., Juan D. V., Jian S., Haitao G., 2019).

Бутун дунё бўйлаб юз миллионлаб одамларга таъсир қилаётган сурункали HBV инфекциясини батамом йўқ қила олмайди. HBV персистенцияси вируснинг ковалент ёпиқ думалоқ ДНКсига (сссDNA) боғлиқ, бу зарарланган гепатотцитлар ядросидаги эписома ҳисобланади. сссDNA ҳозирги даволашга чидамли ва унинг клиренси HBV ни даволаш учун стандарт ҳисобланади. Шу билан бирга, жигардаги сссDNA ҳолатини бевосита кузатиш қийин. Ушбу тадқиқотда жигар ичи сссDNA динамикасини акс эттирувчи восита ҳисобланган қон зардобдаги HBV RNA генетик таркибининг динамик ўзгаришини кузатиш орқали ушбу муҳим масалага янгича ёндашилган (Хуренг Н., Jianming Н., 2020). Хорижий адабиётларда зардоб HBV ДНК ва РНК биомаркерлари HBeAg (+) ижобий СГВ беморларда даволашдан олдин ва даволаш давомида бошқа вирус маркерларига нисбатан интрагепатик сссDNA билан яхшироқ боғлиқлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса гепатит В вируси қобиғидаги оксилнинг дефосфирланиш жараёнида HBV pgРНКсининг декапсидланиши ҳақида тадқиқотлар олиб борган. Бу эса, РНКнинг миқдори сссДНК резеруварини акс эттириши мумкин

бўлган муқобил биомаркер деган хулосани беради (Qiong. Z., Zhanying. H., Junjun. Ch., Shuo. W., Yue. L., Jinhong. Ch., Jianming. H., Ju-Tao. G., 2018).

Юртимизда HBV репликацияси давомида pgRNKнинг капсидга интеграцияланиши вируснинг геномини тўплаш ва янги вирионларнинг шаклланишини таъминловчи муҳим босқич эканлиги, капсидланиш жараёнида капсид оқсилларининг фосфорланиши ёки дефосфорланиши содир бўлиши ҳамда кимёвий ўзгаришлар вируснинг морфологик хусусиятларини, шунингдек, вирионларнинг йиғилиши ва вируснинг шаклланиш механизмини тушунишда муҳим аҳамият касб этиши ўрганилган (Мусабаев Э.И., Туйчиев Л.Н., Хегай Т.Р., Кан Н.Г., 2022). Ушбу жараёнлар, шу жумладан, юртимиздаги вирусологик тадқиқотларда ҳам диққатга сазовор бўлиб, вируснинг репликация механизмини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам бермоқда. Бироқ, HBV РНКсининг касалликнинг клиник кечишидаги ўрни, даволаш режасидаги аҳамияти ва сссDNA билан корреляцияси Ўзбекистонда тўлиқ ўрганилмаган. Бу масала мамлакатимизда илмий тадқиқотларнинг муҳим соҳасини ташкил этади ва келажакда бунга оид тадқиқотлар давом эттирилиши керак.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий – тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2022-2025йй).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали вирусли гепатит В ва D да HBV маркерларининг клиник ва прогностик аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қон зардоби таркибидаги гепатит В вируси РНКсини аниқлаш, унинг хусусиятларини ўрганиш ва турли вирусологик ҳолатларда (HBV ДНК мусбат ва HBV ДНК манфий бўлган сурункали В вирусли гепатитда) вируснинг транскрипцион фаоллиги маркери сифатида тақсимланишини аниқлаш;

сурункали В вирусли гепатитда турли вирусологик ҳолатларда ҳамда HBV репликацияси сусайтирилган ҳолатда HBsAg ишлаб чиқарилиш манбаларини инобатга олган ҳолда HBV РНКси ва микдорий qHBsAg ўртасидаги нисбатни аниқлаш;

дельта-агент (HDV) билан суперинфекция шароитида HBV маркерлари (HBV ДНК, HBV РНК ва qHBsAg)ни қиёсий баҳолаш ҳамда гепатит В вируси билан дельта-агент ўртасидаги ўзаро вируслараро таъсир механизмларини асослаш;

аввал даволанмаган сурункали В вирусли гепатит билан оғриган беморларда Тенофовир алафенамид (25 мг) билан даволаш жараёнида HBV маркерларининг (HBV ДНК, HBV РНК ва qHBsAg) динамикасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Вирусология илмий-тадқиқот институтида сурункали В вирусли гепатит ва сурункали В вирусли гепатит дельта билан мурожат қилган 243 нафар беморлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сифатида умумий клиник, биокимёвий таҳлиллар учун беморлар веноз қони, серологик ва молекуляр-биологик таҳлиллар учун қон зардобии ҳамда беморларнинг ультратовуш текширувлари натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, лаборатор (умумий қон таҳлили), биокимёвий (АЛТ, АСТ, билирубин, умумий оқсил, альбумин, ишқорий фосфатаза), молекуляр-генетик (ПЗР), серологик (ИФТ), инструментал (УТТ, эластография) ва статистик таҳлиллаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор HBV ДНК манфий бўлган сурункали гепатит В билан касалланган беморларда вирус репликациясининг давом этиши қон зардобиида транскрипция фазасидаги HBV РНК билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор сурункали гепатит В билан касалланган беморларнинг 41,7% вирусининг ноаниқ фазасига мансуб эканлиги ва беморларнинг мониторинги учун HBV РНК/қНВsAg маркери сифатида хизмат қилиши исботланган;

сурункали гепатит В билан касалланган беморларда вирусга қарши терапиядан сўнг, НВsAg нинг интеграцияланган ДНК дан ҳосил бўлиши сабабли, HBV РНК/қНВsAg маркерлари орасидаги диссоциация сақланиб қолиши асосланган;

илк бор HBV ДНК манфий, HDV РНК мусбат бўлган вирусга қарши даво олган беморларда вирусологик кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилганлиги HDV репликациясининг устуворлиги билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали В вирусии гепатит билан касалланган беморларда HBV ДНК мавжудлигига кўра HBV РНК ва қНВsAg даражалари асосида клиник-биокимёвий кўрсаткичларнинг фарқлари аниқланган;

HBV ДНК манфий СВГВ наив беморларда HBV РНК мавжудлигига асосланиб вирусологик фаоллик белгилари аниқланиб, уларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлар билан боғлиқлиги исботланган;

HBV РНК ва қНВsAg кўрсаткичлари орқали HBV инфекциясининг иммунологик босқичларини аниқлаш ҳамда унинг касаллик кечиши ва даволаш тактикасидаги аҳамияти асосланган;

нуклеозид аналоглари давоси фонида HBV ДНК, РНК ва қНВsAg маркерларининг динамикаси таҳлили асосида даволаш самарадорлигини баҳолаш ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланишини прогноз қилиш имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-биокимёвий, молекуляр-биологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида HBV РНК ва қНВsAg каби янги биомаркерларнинг қўлланилиши, шунингдек, нуклеозид аналоглари (НА) давосининг таъсири динамикасининг молекуляр даражадаги баҳоланиш

натижаларининг ишончлилигини ошириши, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти HBV RNA ва qHBsAg каби янги биомаркерлар орқали сурункали В вирусли гепатит ва сурункали В вирусли гепатит дельта агент билан касалланган беморларда касалликнинг иммунологик босқичларини ҳамда вирус репликацияси фаоллигини аниқлаш имконияти яратилиши, бу эса инфекция патогенезини яхшироқ тушуниш, касалликнинг давомийлиги ва асоратларини эрта прогноз қилиш, шунингдек, нуклеозид аналоглари давоси давомида вирусологик маркерлар динамикасини баҳолаш ва даво самарадорлигини аниқлаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, HBV РНК сифат таҳлили (бир бемор учун харажат 115 минг сўм, иқтисодий тежамкорлик 302,5 млн сўм) ва HBsAgни миқдорий аниқлаш стратегияси (харажат 2,483 млн сўм, соф иқтисодий самара 297,7 млн сўм) беморларни самарали стратификация қилиш, касаллик прогрессиясини олдини олиш ва клиник ҳам иқтисодий самарадорликни ошириш имконини беради, бу эса амалиётда вирусли гепатитни бошқаришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 24 октябрдаги 27-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор HBV ДНК манфий бўлган сурункали гепатит В билан касалланган беморларда вирус репликациясининг давом этиши қон зардобда транскрипция фазасидаги HBV РНК билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича олинган натижалар Вирусология илмий-тадқиқот институти илмий кенгашининг 2025 йил 20 майдаги 1-н-р/6-сон хулосаси билан тасдиқланган «Гепатит В нинг ташхисотида qHBsAg нинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома РИЭМЮПКИАТМнинг Фарғона вилоят филиалининг 2025 йилнинг 28-июндаги 44-сон ва РИЭМЮПКИАТМнинг Бухоро вилояти филиалининг 2025 йил 2-июлдаги 33-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025-йил 24-октябрдаги 27-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу илмий янгилик амалиётга жорий этилганидан сўнг шифокорлар вирус репликацияси яширин даврда ҳам давом этаётган беморларни аниқлай олади, яллиғланиш жараёнларини эрта баҳолайди ва даволашни индивидуал равишда танлайди. Натижада беморлар ўртасида сурункали В вирусли гепатит билан боғлиқ асоратлар (цирроз, гепатоцеллюляр карцинома)нинг олдини олиш, беморларнинг турмуш сифатини ошириш ҳамда касалликни назорат қилиш имконияти кенгайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* HBV РНК ни ПЦР усули билан сифатли таҳлил қилиш, беморларни даволашда клиник ва иқтисодий жиҳатдан асосли стратегия ҳисобланади. Бу усулдан фойдаланганда ҳар бир

беморга сарфланадиган харажатлар 115 минг сўмни ташкил қилади, бу HBV ДНКни ПЦР усули билан ҳажмли таҳлил қилишдан 99 минг сўмга арзон (214 минг сўм). Мавжуд протоколларга мувофиқ, агар HBV ДНК ПЦР анализи манфий натижа кўрсатса, вирусга қарши терапияни тугатиш мумкин, аммо бу ҳолда вируснинг репликацияси давом этиш хавфи ва жигар циррози ривожланиш эҳтимоли сақланади. Чунки HBV РНК анализининг мусбат натижаси, ҳатто вирус юкламаси паст ёки аниқланмайдиган ҳолда ҳам касалликнинг ривожланишини олиб келиши мумкин;

иккинчи илмий янгилик илк бор сурункали гепатит В билан касалланган беморларнинг 41,7% вирусининг ноаниқ фазасига мансуб эканлиги ва беморларнинг мониторинги учун HBV РНК/qHBsAg маркери сифатида хизмат қилиши исботланганлиги бўйича олинган натижалар Вирусология илмий-тадқиқот институти илмий кенгашининг 2025 йил 20 майдаги 1-н-р/6-сон хулосаси билан тасдиқланган «Гепатит В нинг таъхисотида qHBsAg нинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома РИЭМЮПКИАТМнинг Фарғона вилоят филиалининг 2025 йилнинг 28- июндаги 44-сон ва РИЭМЮПКИАТМнинг Бухоро вилояти филиалининг 2025 йил 2- июлдаги 33-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025-йил 24-октябрдаги 27-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* янги биомаркерлар амалий қўлланилиши натижасида беморларда вирус репликацияси ва фаоллиги аниқ баҳоланиб, даволаш тактикаси индивидуал равишда танланади ва асоратларнинг олди олинади. Бу ортиқча ёки самарасиз терапияни қўллаш эҳтимолини камайтиб, цирроз ва жигар раки ривожланиш хавфини пасайтиради. Шу билан бирга, сурункали В вирусли гепатит бўйича эпидемиологик назорат кучайиб, жамоат саломатлигида юқумли жигар касалликлари юкламаси камаяди ва беморларнинг ҳаёт сифати ошади. *Иқтисодий самарадорлиги:* HBsAgнинг миқдорий таҳлили ва вирусга қарши терапиясини қўллаш стратегияси ҳар бир беморга 2 483 000 сўмга тушади. Бу ПЗР усули билан қиёслаганда қўшимча 2 269 000 сўм харажатларни ташкил қилади. Шу билан бирга, стратегия 90% клиник самарадорликни таъминлаб, ГЦК ва жигар трансплантациясининг олдини олишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, ҳар бир бемор учун 300 миллион сўмга яқин сарфларни тежаш имконини беради. Натижада, умумий тўғридан-тўғри иқтисодий тежаш 297,7 миллион сўмни ташкил қилади, бу эса стратегиянинг юқори иқтисодий самарадорлигини тасдиқлайди;

учинчи илмий янгилик сурункали гепатит В билан касалланган беморларда вирусга қарши терапиядан сўнг, HBsAg нинг интеграцияланган ДНК дан хосил бўлиши сабабли, HBV РНК/qHBsAg маркерлари орасидаги диссоциация сақланиб қолиши асосланганлиги бўйича олинган натижалар Вирусология илмий-тадқиқот институти илмий кенгашининг 2025 йил 20 майдаги 1-н-р/6-сон хулосаси билан тасдиқланган «Гепатит В нинг таъхисотида qHBsAg нинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома РИЭМЮПКИАТМнинг Фарғона вилоят филиалининг 2025 йилнинг 28- июндаги 44-сон ва РИЭМЮПКИАТМнинг Бухоро вилояти

филиалининг 2025 йил 2- июлдаги 33-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025-йил 24-октябрдаги 27-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Ушбу илмий янгилик ноаниқ фазага кирувчи беморларда инфекция яширин равишда фаол давом этаётганини эрта аниқлашга, улар учун индивидуал назорат ва даволаш стратегияларини белгилашга замин тайёрлайди. Шунингдек, сурункали В вирусли гепатит билан боғлиқ эпидемиологик ҳолатни яхлит ва тўғри баҳолашга, профилактик ва клиник чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Комбинацияланган стратегия (HBV РНК + qHBsAg + HBV ДНК миқдорий) ва HBV ДНК манфий, аммо HBV РНК мусбат ва qHBsAg<1000 МЕ/ml ҳолатда ПВТни давом эттириш бир бемор учун 2 812 000 сўм тўғридан-тўғри харажатни талаб қилади; 10 йиллик оғир асоратлар хавфи 15% ва уларнинг қиймати 300 млн сўм ҳисобга олинганда кутилган умумий харажат 7 312 000 сўмни ташкил этади, ПВТ тўхтатилганда эса ушбу кўрсаткич 27 412 000 сўмга етади. Самарадорлик 90% га қарши 40% бўлган шароитда мазкур ёндашув доминант ҳисобланади ва 10 йилда бир бемор учун 20,1 млн сўм соф иқтисодий тежамкорликни таъминлайди (ICER = -40,2 млн сўм);

тўртинчи илмий янгилик: илк бор HBV ДНК манфий, HDV РНК мусбат бўлган вирусга қарши даво олмаган беморларда вирусологик кўрсаткичларнинг ўзгариши кузатилганлиги HDV репликациясининг устуворлиги билан боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича олинган натижалар Вирусология илмий-тадқиқот институти илмий кенгашининг 2025 йил 20 майдаги 1-н-р/6-сон ҳулосаси билан тасдиқланган «Гепатит В нинг ташхисотида qHBsAg нинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган. Мазкур тавсиянома РИЭМЮПКИАТМнинг Фарғона вилоят филиалининг 2025 йилнинг 28- июндаги 44-сон ва РИЭМЮПКИАТМнинг Бухоро вилояти филиалининг 2025 йил 2- июлдаги 33-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025-йил 24-октябрдаги 27-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Бу маълумотлар асосида даволаш ва мониторинг стратегияларини тўғри танлаш жамоат саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, HBV билан боғлиқ касалликлар юқламасини камайтиришга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Комбинацияланган стратегия (ВГВ РНК ПЦР + qHBsAg + ВГВ ДНК миқдорий ПЦР + ПВТни давом эттириш) бир бемор учун тўғридан-тўғри 2 812 000 сўм харажатни талаб қилади, бироқ 10 йиллик оғир асоратлар хавфи 15% ва уларнинг қиймати 300 млн сўм эканлиги ҳисобга олинганда кутилган умумий харажат 7 312 000 сўмни ташкил этади. Фақат ВГВ ДНК миқдорий ПЦР ўтказилиб, ПВТ тўхтатилган стратегияда эса ушбу кўрсаткич 27 214 000 сўмга етади. Шу тариқа, самарадорлик 90% га қарши 40% бўлган шароитда мазкур ёндашув доминант ҳисобланади ва 10 йил мобайнида бир бемор учун 19,9 млн сўм соф иқтисодий тежамкорликни таъминлайди (ICER = -39,8 млн сўм), бу унинг юқори клинко-иқтисодий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан, 1 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, ишнинг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилик ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали В вирусли гепатитда миқдорий HBsAg ва HBV РНКнинг роли (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби сурункали В вирусли гепатит бўйича муаммонинг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Унда В вирусли гепатитнинг эпидемиологияси, клиник-лаборатория хусусиятлари, HBVнинг инфекция хусусиятлари, тарқалиш динамикаси ва асосий асоратлари бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган. HBVнинг генетик материали, репликация механизмлари ва иммун тизим жавоби ҳақидаги маълумотлар жамланиб, миқдорий HBsAg ва HBV РНК ҳажми касаллик кечиши ҳамда оғирлиги билан боғлиқ эканига доир тадқиқотлар шарҳланган. Шунингдек, мазкур биомаркерларнинг патогенездаги ўрни, антивирус терапияси давомида вирус динамикаси ва асоратларни эрта башорат қилиш имкониятлари ҳақидаги сўнгги манбалар таҳлил қилинган.

«**Сурункали гепатит В ва D да HBV маркерларининг клиник ва прогностик аҳамияти бўйича текширилган беморларнинг тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобда клиник материал ва қўлланилган усуллар баён этилган. Тадқиқот 2022–2024 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникаси гепатология марказида амалга оширилган. Беморлар марказга текширув ва даволаниш учун мурожаат қилганлар орасидан тасодифий танлаб олинган.

Тадқиқот объекти сифатида сурункали В ва D вирусли гепатит ташхисли 243 нафар бемор олинган. Улардан 127 нафари I гуруҳга – сурункали В вирусли гепатит (СВГВ) моноинфекцияли беморларга тўғри келади: IA гуруҳ – HBV ДНК мусбат 59 нафар, IB гуруҳ – HBV ДНК манфий 68 нафар беморлар. II гуруҳни СВГВ+D суперинфекцияли 36 нафар бемор, III гуруҳни HBV+HDV этиологияли жигар циррози билан касалланган 35 нафар бемор, IV гуруҳни эса нуклеозид аналоглари терапияси фонидаги, аввал вирусга қарши даво олмаган 45 нафар СВГВ бемор ташкил этган. Беморларнинг ўртача ёши 39 ёшни ташкил этган; улар орасида 84 нафар (35%) эркак ва 159 нафар (65%) аёл бўлган.

Комплекс текширув таркибига вирусологик, биокимёвий ва гематологик тадқиқотлар киритилган. HBV ДНКнинг миқдорий аниқланиши реал вақтда ПЦР усулида Rotor-Gene Q (Qiagen) амплификаторида 15 ХБ/мл сезувчанлик билан амалга оширилган. HBV РНК RT-ПЦР усулида ROSSAmed тўплами ёрдамида аниқланган. qHBsAg қон зардобида HBsAg-ИФА-БЕСТ (миқдорий) реактивлари орқали иммунфермент таҳлили усулида баҳоланган. Биокимёвий (АЛТ, АСТ, билирубин ва бошқалар) кўрсаткичлар Cobas c501 (Mindray) автоматик анализаторида, гематологик кўрсаткичлар эса Mindray гематологик анализаторида аниқланган. Барча таҳлиллар Вирусология илмий-тадқиқот институти Референс лабораториясида ўтказилган.

Маълумотлар йиғилгандан сўнг анонимлаштирилган ва шифрланган. Беморларнинг дастлабки тавсифи учун тасвирий статистика қўлланилган. Нормал тақсимот Шапиро–Уилк синови билан баҳоланган; нормал тақсимот бўлганда натижалар ўртача қиймат ± стандарт оғиш кўринишида берилиб, гуруҳлар мустақил t-тест орқали таққосланган. Тақсимот нормал бўлмаган ҳолларда Манн–Уитни U-синови қўлланилган ва маълумотлар медиана ва интерквартиль оралиқ (IQR) билан ифодаланган. Категорияли ўзгарувчилар Пирсон χ^2 ёки кузатувлар сони кам бўлган ҳолларда Фишернинг аниқ синови ёрдамида баҳоланган. Барча статистик ҳисоб-китоблар JMP 18.0 (SAS, USA) дастурида амалга оширилган.

«HBV ДНК ва РНК маркерлари асосида сурункали В гепатити моноинфекциясида клиник, биокимёвий ва вирусологик кўрсаткичларни комплекс таҳлили» деб номланган учинчи бобда 127 нафар дельта агентсиз СВГВ беморлари натижалари келтирилган. Уларнинг 86 нафари (67,7%) аёл ва 41 нафари (32,3%) эркак бўлиб, ўртача ёш 37,6 (22–78) ёшни ташкил этган. HBV ДНК мусбат 59 нафар (46,5%) ва HBV ДНК манфий 68 нафар (53,5%) беморлар гуруҳлари клиник-лаборатор кўрсаткичлар бўйича таққосланган.

Гематологик кўрсаткичлар таҳлилида HBV ДНК мусбат гуруҳда лейкоцитлар миқдори $5,80 \pm 0,26 \times 10^9/\text{л}$, манфий гуруҳда $6,86 \pm 0,24 \times 10^9/\text{л}$ ($p=0,003$); лимфоцитлар улуши мусбат гуруҳда $32,2 \pm 0,8\%$, манфий гуруҳда $29,4 \pm 0,8\%$ ($p=0,017$) эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, ҳар икки кўрсаткич физиологик меъёр чегарасида бўлиб, клиник жиҳатдан кескин фарқ кузатилмаган. Қолган қон формулалари кўрсаткичлари бўйича гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқ қайд этилмаган (1-жадвал).

1-жадвал

HBV ДНК мавжудлигига қараб умумий қон таҳлилининг қийматлари (n=127)

Кўрсаткичлар	HBV DNA мусбат M ± σ	HBV DNA манфий M ± σ	p-қиймати
Гемоглобин (г/л)	109,4±2,02	113,4±1,9	p=0,16
Эритроцитлар (10 ¹² /л)	3,69±0,06	3,81±0,06	p=0,16
Лейкоцитлар (10 ⁹ /л)	5,80±0,26	6,86±0,24	p=0,003
Тромбоцитлар (10 ⁹ /л)	226,2 ± 7,3	231,4 ± 6,8	p = 0,60
С-я нейтрофил (%)	62,2±1,1	63,5±1,1	p=0,13
Моноцитлар (%)	5,6±0,6	6,8±0,6	p=0,78
Лимфоцитлар (%)	32,2±0,8	29,4±0,8	p=0,017
ЭЧТ (мм/соат)	13,7±1,1	15,0±1,0	p=0,35

Биокимёвий таҳлилларда ишқорий фосфатаза, альбумин, мочевино ва умумий оксил даражалари HBV ДНК мусбат ва манфий гуруҳлар орасида сезиларли фарқ қилмаган (барча ҳолларда p>0,05). Бу натижалар, умуман олганда, HBV ДНК мусбат ёки манфий бўлиши клиник-биокимёвий асосий кўрсаткичларга кескин таъсир кўрсатмаслигини, аммо гематологик айрим параметрларда статистик фарқлар мавжудлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

HBV ДНК ҳолатига боғлиқ биокимёвий кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари таҳлили (n=127)

Кўрсаткичлар	ВГВ ДНК ҳолати	M ± σ	p
Ишқорий фосфатаза (U/L)	Мусбат	164,8±11,3	p=0,52
	Манфий	174,1±9,0	
Альбумин (г/л)	Мусбат	32,3±0,3	p=0,46
	Манфий	32,7±0,3	
Мочевина (ммоль/л)	Мусбат	7,5±0,8	p=0,29
	Манфий	6,2±0,8	
Умумий оксил (г/л)	Мусбат	71,6±0,32	p=0,58
	Манфий	71,8±0,29	

Гематологик кўрсаткичлар таҳлилида ВГВ ДНК мусбат ва манфий гуруҳлар ўртасида лейкоцитлар ҳамда лимфоцитлар даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди. Жумладан, лейкоцитлар миқдори ВГВ ДНК мусбат гуруҳда 5,80±0,26×10⁹/л, манфий гуруҳда эса 6,86±0,24×10⁹/л ни

ташқил этган ($p=0,003$). Шунингдек, лимфоцитлар улуши мусбат гуруҳда $32,2\pm 0,8\%$, манфий гуруҳда $29,4\pm 0,8\%$ бўлган ($p=0,017$).

Бироқ таъкидлаш лозимки, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланса-да, ҳар иккала кўрсаткич ҳам физиологик меъёр чегараси доирасида сақланган. Шу боис, аниқланган статистик фарқларни изоҳлаш учун қўшимча тадқиқот ва далилларга асосланиш лозим.

Қолган кўрсаткичлар бўйича клиник аҳамиятга эга бўладиган фарқ аниқланмади. Бу эса, кўп ҳолларда, ВГВ репликацияси биокимёвий кўрсаткичларга кучли таъсир кўрсатмаслигини кўрсатади. Бу натижалар сурункали вирусли гепатитда лаборатор мониторинг олиб боришда ВГВ ДНК ҳолатини эътиборга олиш зарурлигини таъкидлайди, айниқса, гематологик кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолатларда. Шундай қилиб сурункали В вирусли гепатит билан касалланган беморларда ДНКнинг мусбат ёки манфий бўлишига қарамай клиник-биокимёвий лаборатория кўрсаткичлари орасида статистик фарқ мавжуд эмас. ВГВ ДНК мусбат бўлган беморларда лейкоцит курсаткичи $5,80 \pm 0,26$ ДНК манфий гуруҳда эса $6,86\pm 0,24$ ($p=0,003$). Лимфоцит кўрсаткичлари ДНК мусбат бўлган беморларда баландроқ бўлиб $32,2\pm 0,8$ иммун жавобнинг давом этаётганлигини кўрсатади, ДНК манфий гуруҳида лимфоцит кўрсаткичи $29,4\pm 0,8$ булган ($p=0,017$).


Кейинги босқичда HBV ДНК манфий, аввал вирусга қарши даво олмаган 68 нафар бемор алоҳида таҳлил қилинган. Уларда шикоятлар структураси ўрганилиб, 30 нафар (44,1%) беморда ҳар хил субъектив шикоятлар, 38 нафар (55,9%) беморда эса асосан профилактик текширув вақтида HBsAg аниқланиши сабаб бўлгани қайд этилган. Энг кўп учраган шикоятлар ҳолсизлик (56,7%), тез чарчаш (40,0%), қорин дам бўлиши (53,3%) ва ўнг қовурға ёйи остида оғриқ (36,7%) бўлиб, қолган симптомлар нисбатан кам кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

Сурункали HBV ДНК манфий беморларнинг шикоятлари (n=68)

Т/р	Шикоятлари	n=30 (%)
1	Ҳолсизлик	17 (56,7%)
2	тез чарчаш	12(40%)
3	бош оғриши ва айланиши	7 (23,3%)
4	бўғимдаги оғриқлар	3 (10 %)
5	ўнг қовурға ёйи остида оғриқ	11 (36,7%)
6	тери қичишиши,	1 (3,3%)
7	кўнгил айланиши	6 (20%)
8	оғиздаги тахир маза	1 (3,3%)
9	жиғилдон қайнаши	2 (6,6%)
10	қорин дам бўлишидан	16 (53,3%)

Ушбу беморларда ультратовуш текшируви натижалари ҳам таҳлил қилинган. Сурункали холецистит белгилари 65,5% ҳолларда, жигар паренхимасида диффуз ўзгаришлар 56,2% беморда аниқланган; жигар стеатози эса тахминан чорак қисмида (26–27% атрофида) кузатилган. Бу маълумотлар сурункали В вирусли гепатит фониди ҳамроҳ билиар ва метаболик ўзгаришлар тез-тез учрашини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Сурункали HBV ДНК манфий беморларнинг УТГ эҳобелгилари (n=64)


Кейинги босқичда биз беморларни ВГВ РНКси ижобий ва манфийлигига қараб икки гуруҳга бўлдик ҳамда АЛТ ва АСТ кўрсаткичларини ўргандик. Кўрсаткичлар тақсимооти нотўғри сабабли, АЛТ ва АСТ учун ўртача қиймат сифатида медиана ҳамда кватрилларо интервал (IQR) ҳисоблаб чиқилди (4-жадвал).

4-жадвал

HBV РНК мусбат ва манфий беморларда АЛТ ва АСТ даражалари

Кўрсаткич	HBV РНК	Минимум	25%	Медиана	75%	Максимум	p
АЛТ (U/L)	Мусбат	21,3	29,2	34,8	54,7	327	0,001
	Манфий	12,0	25,5	27,8	30,5	55,0	
АСТ (U/L)	Мусбат	14,0	25,5	30,4	34,5	278,0	0,008
	Манфий	13,3	21,05	24,7	29,5	39,6	

HBV ДНК манфий беморлар орасида HBV РНК мусбат ва манфий икки гуруҳга ажратилиб, АЛТ ва АСТ медиана қийматлари кватрилларо интервал билан таққосланган. HBV РНК мусбат гуруҳда АЛТ (медиана 34,8 Б/л, IQR 29,2–54,7) ва АСТ (медиана 30,4 Б/л, IQR 25,5–34,5) кўрсаткичлари РНК манфий гуруҳга нисбатан ишончли юқори ($p=0,001$ ва $p=0,008$) экани аниқланган. Бу фаол вирусли транскрипция жигар хужайралари шикастланиши билан боғлиқ эканини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Сурункали В вирусли гепатит : РНК ҳолати билан боғлиқ лаборатор ўзгаришлар (А-АЛТ; В-АСТ)

Қўшимча биокимёвий таҳлилларда HBV ДНК манфий/РНК мусбат ва HBV ДНК манфий/РНК манфий гуруҳлар орасида билирубин, ишқорий фосфатаза, альбумин, мочевино, креатинин ва бошқа кўрсаткичлар таққосланган. Умумий оқсил даражаси РНК мусбат гуруҳда ишончли юқори ($p=0,01$), лимфоцитлар улуши ҳам фаол транскрипцияга эга гуруҳда кўтарилган ($p<0,01$). Қолган биокимёвий кўрсаткичлар орасида клиник аҳамиятли фарқ қайд этилмаган (5-жадвал).


5-жадвал

HBV ДНК манфий беморларда РНК мавжудлигига қараб биокимёвий кўрсаткичлар ва УҚТ нинг қийматлари

Кўрсаткич	ВГВ ДНК-/РНК+ М+ -м	ВГВ ДНК-/РНК- М+м	р қиймат
Билирубин (мкмоль/л)	14,8±1,5	16,5 ± 1,09	0,35
Ишқорий фосфатаза (Ед/л)	172±19	175 ± 11	0,88
Альбумин (г/л)	33,1±0,5	32,4 ± 0,4	0,28
Мочевина (ммоль/л)	6,0±0,2	6,3 ± 0,15	0,27
Креатинин (мкмоль/л)	71,1±2,1	74,6 ± 1,5	0,57
Умумий оқсил (г/л)	72,8±0,5	71,3 ± 0,3	0,01
Гемоглобин (г/л)	114,7±3,2	112,7 ± 2,3	0,61
Эритроцит ($10^{12}/л$)	4,1±0,09	3,7 ± 0,07	0,001
Лейкоцит ($10^9/л$)	6,8±0,5	6,9 ± 0,3	0,94
